“Boshtransloyiha” транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
Баённомаси

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй, “Boshtransloyiha” АЖ маъмурий биноси.

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2022 йил 28 июнь, соат 15: 00.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш вақти: соат 14-00 дан 14-50 гача.

Жамият овоз берувчи акцияларининг умумий сони: 4 453 008 та овозни ташкил этади.

Йиғилишда иштирок этган акциядорлар:

1. "O`zbekiston temir yollari" АЖ номидан – "O'zbekiston temir yo'llari" АЖ бошқарув раисининг ўринбосари в.б. Раджапов Мансур Кучкарович (2022 йил 20 июндаги 1- сонли ишончномага асосан), 2 145 024 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 48,17 фоизини ташкил этади;

2. Давлат активларини бошқариш агентлигидан (ДАБА) – ДАБА бош мутахассиси Эргашев Алишер Рахматиллаевич (2022 йил 27 июндаги 03/08-2-18/2506 сонли ишончномага асосан), 1 429 008 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 32,09 фоизини ташкил этади;

3. «Hamroh Invest» АЖ номидан - директор Аълаев Акрам Турсунович (2022 йил 23 июндаги №8 буйруқга асосан), 273 840 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 6,15 фоизини ташкил этади;

4. “Mo'jiza biznes gold” МЧЖ – ишончли вакил Аълаев Акрам Турсунович (2022 йил 28 июндаги 2- сонли ишончномага асосан), 227 130 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 5,10 фоизини ташкил этади;

5. “MULK” aksiyadorlik jamiyati – ишончли вакил Аълаев Акрам Турсунович (2022 йил 28 июндаги 3- сонли ишончномага асосан), 180 426 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 4,05 фоизини ташкил этади;

6. жисмоний шахслар – 10 083 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 0,23 фоизини ташкил этади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этган шахсларнинг умумий овозлар сони: 4 265 511 овоз ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг 97,79 фоизини ташкил этади.

Йиғилишда иштирок этиш учун қуйидаги шахслар таклиф этилди:

"Boshtransloyiha" АЖ бош директори - Рузиев Рустам Васикович;

"Boshtransloyiha" АЖ бош ҳисобчиси - Израильбекова Ильмира Исмаиловна;

"Boshtransloyiha" АЖ Молия (Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш) директори - Расулев Ардашер Алишерович;

"Boshtransloyiha" АЖ ички аудит бўлим бошлиғи - Файзиева Мухайё Тоиржановна;

"Boshtransloyiha" АЖ Тафтиш комиссияси аъзоси - Уринов Шерзод Сидикжонович;

"Boshtransloyiha" АЖ корпоратив маслаҳатчиси - Юлдашев Улуғбек Михлибаевич ва бошқалар.

Йиғилишда саноқ комиссия вазифасини Кузатув кенгашининг 2022 йил 01 июндаги мажлис қарори билан тузилган таркибда - И.И.Израильбекова, У.М.Юлдашев ва Е.А.Рогожкиналар олиб бордилар.

У.М.Юлдашев Йиғилиш иштирокчиларига кворум 95,79 фоизни ташкил этиши ва "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддасига мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ваколатли ҳисобланишини маълум қилди.

Юқорида номи қайд этилган қонуннинг 58-моддасига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг раиси томонидан олиб борилади.

Шунга кўра Йиғилишни Кузатув кенгашининг раиси Раджапов Мансур Кучкарович олиб борди.

Акциядорлар умумий йиғилиши раиси М.К.Раджапов акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва қуйидаги овоз бериш тартибини таклиф қилди:

- Раёсатни ва котибиятни сайлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Йиғилиш регламентини тасдиқлаш бўйича қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилиниши;
- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар яширин овоз бериш йўли билан (бюллетенлар орқали) қабул қилиниши.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Қуйидаги овоз бериш тартиби тасдиқлансин:

- Раёсатни ва котибиятни сайлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Йиғилиш регламентини тасдиқлаш бўйича қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади;
- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар яширин овоз бериш йўли билан (бюллетенлар орқали) қабул қилинади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилишнинг ишчи органлари - Раёсат ва мажлис котибиятини сайлаш лозим. Раёсат таркибига уч кишини қуйидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди:

1. Раджапов Мансур Кучкарович – Кузатув кенгаши раиси.
2. Эргашев Алишер Рахматиллаевич - Кузатув кенгаши аъзоси.
3. Аълаев Акрам Турсунович – Кузатув кенгаши аъзоси.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш баённомасини юритиш учун Юлдашев Улуғбек Михлибаевични мажлис котиби этиб сайлаш таклиф этилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

- Йиғилиш Раёсати қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Раджапов Мансур Кучкарович – Кузатув кенгаши раиси.
2. Эргашев Алишер Рахматиллаевич - Кузатув кенгаши аъзоси.
3. Аълаев Акрам Турсунович – Кузатув кенгаши аъзоси.

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич йиғилиш котиби этиб тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси Раджапов М.К. акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- саволлар ёзма равишда берилади ва котибиятга тақдим этилади;
- нутқ сўзлаш учун ариза котибиятга тақдим этилади;
- савол бўйича маъруза вақти - 5-10 дақиқа;
– қўшимча маъруза учун вақт - 5 дақиқа;
- музокаралар учун нутқ вақти – 3 дақиқа;
- саволлар ва саволларга жавоблар учун – 5 дақиқа (умумий вақт);
- овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги охирги масала бўйича овоз берилгандан сўнг танаффус - 10 дақиқа.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- саволлар ёзма равишда берилади ва котибиятга тақдим этилади;
- нутқ сўзлаш учун ариза котибиятга тақдим этилади;
- савол бўйича маъруза вақти - 5-10 дақиқа;
– қўшимча маъруза учун вақт - 5 дақиқа;
- музокаралар учун нутқ вақти – 3 дақиқа;
- саволлар ва саволларга жавоблар учун – 5 дақиқа (умумий вақт);
- овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги охирги масала бўйича овоз берилгандан сўнг танаффус - 10 дақиқа.

Йиғилиш раиси Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши ва кун тартиби “Биржа” газетасининг 2022 йил 07 июндаги 43-44 (2926-2927)- сонли нашрида чоп этилганлигини қайд этди ва кун тартиби мухокамасига ўтишни таклиф қилди.

Кун тартиби:

1) Саноқ комиссияси аъзоларининг сон ва шахсий таркибини ва ваколат муддатини тасдиқлаш. *(Утверждение количественного и персонального состава счетной комиссии и срока их полномочий.)*

2) «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш. *(Утверждение годового отчета АО «Boshtransloyiha» и выполнении параметров Бизнес-плана Общества за 2021 год.)*

3) «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш. (Заслушивание отчета Наблюдательного совета АО «Boshtransloyiha» по итогам деятельности за 2021 год.)

4) «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тинглаш. (Заслушивание заключения Ревизионной комиссии по итогам финансово-хозяйственной деятельности Общества за 2021 год.)

5) Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш. (Рассмотрение итогов оценки системы корпоративного управления.)

6) Жамият томонидан 2021 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шаклини, тартибини ва тўлаш муддатни аниқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсация тўлаш. (Распределение чистой прибыли Общества за 2021 год, определение размеров дивидендов, форма, порядок и сроки их выплаты, о выплате вознаграждений органам управления.)

7) Жамият устави ва ички корпоратив низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни янги таҳририни тасдиқлаш. (Внесение изменений и дополнений в устав и внутренние положения Общества и утверждении их в новой редакции.)

8) «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш. (Избрание членов Наблюдательного совета АО «Boshtransloyiha».)

9) «Boshtransloyiha» АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш. (Избрание членов Ревизионной комиссии АО «Boshtransloyiha».)

10) «Boshtransloyiha» АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш. (Продление трудового договора с Генеральным директором АО «Boshtransloyiha».)

11) «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш. (О проведении аудиторской проверки финансовой отчетности АО «Boshtransloyiha», составляемой по национальным и международным стандартам бухгалтерского учета по итогам 2022 года, а такжедля проверки суммы ключевых показателей эффективности, рассчитанных на 2022 год, об определении предельного размера оплаты её услуг.

12) Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш. (Об одобрении сделок с аффилированными лицами Общества, связанных с текущей хозяйственной деятельностью общества.)

13) «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил учун Бизнес-режасини ва Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш. *(Утверждение Бизнес-плана АО «Boshtransloyiha» на 2022 год и стратегии развития Общества на среднесрочный и долгосрочный период.)*

14) Жамият акциядорлари томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендларни ҳисобдан чиқариш. (О списании невостребованных акционерами Общества дивидендов.)

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан раислик қилувчи М.К.Раджапов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 66-моддасига мувофиқ овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини маълум қилиб Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил 01 июндаги қарори билан қуйидагилардан иборат саноқ комиссияси тузилганлигини қайд этди:

- Израильбекова Ильмира Исмаиловна - "Boshtransloyiha" АЖ бош бухгалтер;

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич – "Boshtransloyiha" АЖ корпоратив маслаҳатчиси;

- Рогожкина Елена Алексеевна - "Boshtransloyiha" АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан иборат таркибда тасдиқлаш.

2. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлаш:

- Израильбекова Ильмира Исмаиловна - «Boshtransloyiha» АЖ бош бухгалтер;

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич - «Boshtransloyiha» АЖ корпоратив маслаҳатчиси;

- Рогожкина Елена Алексеевна - "Boshtransloyiha" АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан иборат таркибда тасдиқлансин.

2. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин:

- Израильбекова Ильмира Исмаиловна - «Boshtransloyiha» АЖ бош бухгалтер;

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич - «Boshtransloyiha» АЖ корпоратив маслаҳатчиси;

- Рогожкина Елена Алексеевна - "Boshtransloyiha" АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Бош директор Р.В.Рузиев «Boshtransloyiha» акциядорлик жамиятининг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва 2021 йилга мўлжалланган Бизнес-режанинг бажарилиши юзасидан ҳисоботи тақдим этилди.

Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум 32 468 872,0 минг сўмни ташкил этиб, бизнес-режа кўрсаткичидан 24,9 фоизга кўп, маҳсулот таннархи 24 120 145,0 минг сўм (тарифлар ва иш ҳажмининг ошиши ҳисобига 21,3 фоизга кўп), солиқ тўлагунга қадар фойда 2 615 349,0 минг сўм (19,2 фоизга кўп), соф фойда 2 048 092,0 минг сўм (14,3 фоизга кўп) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги 207-сонли қарорига асосан 2021 йил якунлари бўйича "Boshtransloyiha" АЖ ижроия органи самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи 154,7 фоизни ташкил қилган.

Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режа доирасида тасдиқланган инвестиция дастури асосида "Boshtransloyiha" АЖни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари белгиланган. Мазкур тадбир бўйича 2021 йил давомида 1 577,74 млн.сўмлик қуйидаги инвестициялар амалга оширилган, шундан:

- конструктор ва геодезиячилар учун дастурий таъминот харид қилиш учун – 458,8 млн.сўм;
- маъмурий бинолар, жиҳозлар, машина ва механизмларни таъмирлаш учун – 353,14 млн.сўм;
- бошқа инвестициялар – 765,8 млн.сўм.

"Boshtransloyiha" АЖ ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларида иштирок этмайди.

Жамият томонидан бажариладиган хизматлар Республика ҳудудида амалга оширилиши сабабли 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режада хизматлар экспорти киритилмаган, 2021 йил давомида хизматлар экспорти амалга оширилмаган.

2021 йиллик баланс маълумотларига кўра, Жамиятнинг дебиторлик қарзи давр бошига 14 643 267,00 минг сўмни, давр охирига 15 417 149,00 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, Жамиятнинг муддати ўтган дебиторлик қарзи йўқлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, 2021 йил бухгалтерия баланси бўйича кредиторлик қарзлар давр бошига 7 589 039,0 минг сўмни, давр охирида 7 285 967,00 минг сўмни ташкил этди (2021 йил 4 чораги давомида 5,0 млрд.сўм миқдорида кредиторлик карздорлик тўланган). Жамиятнинг муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд эмас.

2021 йил якунлари бўйича давлат бюджетига 9 322 500,0 минг сўмлик тўловлар амалга оширилди, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 49,8 фоизга кўпдир.

Шунингдек, Жамият ижроия органи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ва қўшимча ишларни жалб этиш бўйича барча чоралар кўрилмоқда.

"Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги 207-сонли Қарорнинг 31-бандига асосан Жамият 2021 йил якунлари бўйича СМК ни Давлат активларини бошқариш агентлигига агентликнинг веб-сайтида махсус формани тўлдириш орқали 2022 йилнинг 15 февралига қадар тақдим қилинган.

Ҳисобот даври якунига кўра жамиятда ташқи қарз мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4611-сонли Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг бухгалтерия бўлими ходимлари молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини ўргатиш бўйича бухгалтерларни халқаро сертификатлаш (АССА) доирасида ташкил қилинган "Молия ва бизнес бошқаруви" курсларига юборилди. Хозирги кунда Жамият бош бухгалтери Израильбекова Ильмира Исмаиловна "МҲХС бўйича молиявий ҳисобот" курсини муваффаққиятли тугатиб, тегишли хужжатга эга. Шунингдек Жамиятнинг ички аудит хизмати бошлиғи Файзиева Мухайё Тоиржоновна "Халқаро молиявий ҳисобот бўйича Дипломга (ДипИФР)" эга.

Жамият ижроия органи кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган қуйидаги вазифаларни амалга оширилганлиги қайд этилди:

- 2020 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендлар ўрнатилган муддатларда тўлаб берилгани;
- Асосий воситаларни янгилаш бўйича чоралар кўрилаётгани;
- Дебитор ҳамда кредитор қарздорликлар ва бизнес режа параметрлари бажарилиши доимий равишда мониторинг қилинаётгани;
- Харажатлар мувофиқлаштириб борилаётгани;
- Жамият ҳодимларининг доимий тарзда малакаси оширилаётгани ва бошқалар.

Муҳокама давомида Кузатув кенгаши аъзоси А.Р. Эргашев Давлат активларини бошқариш агентлигининг (Давактив агентлиги) 2022 йил 11 мартдаги 03/07-1-18/717 сонли (3-илова) хати билан таништирди. Унда Давактив агентлиги томонидан жамиятнинг ҳисобот давридаги фаолияти ўтган йилги фаолиятининг шу даврига нисбатан ва 2021 йилга мўлжалланган Бизнес-режага мувофиқ таҳлил қилинган. Масалан, кўрсатилган хизматлар қиймати 36,9 млрд.сўмни ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг улуши 81,5 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йилнинг шу даврига (79,3 фоиз) нисбатан ўртача 2,1 фоизга ошган, давр харажатлари 6,2 млрд.сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (9,7 млрд.сўм) 3,5 млрд.сўмга камайган бўлсада, режага нисбатан (4,2 млрд. сўм) 47% га кўпайган, дебиторлик қарзлари 15,4 млрд. сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан (14,6 млрд. сўм) 5,2 фоизга ошган, давлат бюджетига тўловлар бўйича қарздорлик 778,8 млн.сўмни ташкил этган ва йил бошига (19,0 млн. сўм) нисбатан 40 баробарга кўпайган, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик 1 718,2 млн.сўмни ташкил этган ва йил бошига (1 175,7 млн. сўм) нисбатан 46,1 фоизга кўпайга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш регламенти"га асосан Жамиятнинг молиявий ҳолати қуйидагиларни акс эттирган:

- активларнинг рентабеллик коэффициенти 0,14 (меъёр 0,05 дан паст эмас);
- тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффициенти 2,35 (меъёр 1,25 дан паст эмас);
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи 0,57 (меъёр 0,2 дан паст эмас);
- асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти 0,77 (меъёр 0,5 дан юқори эмас);
- ўзлик маблағлари ва қисқа муддатли қарзларнинг ўзаро нисбати коэффициенти 1,53 (меъёр 1,0 дан паст эмас).

Таҳлил натижалари корхонанинг асосий воситаларининг эскириш даражаси меъёрдан юқорилиги қайд этилган.

Ушбу холат юзасида Р.В. Рузиев тушунтириш билан сўзга чиқиб, молиявий ҳисоботда бажарилган хизматлар бўйича субпудрат ишларини ҳисобга олган ҳолда сумма кўрсатилганлигини, харажатларнинг ошиши ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа материаллар, шу жумладан ходимларнинг иш ҳақи нархининг ошиши билан боғлиқлигини маълум қилди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Бош директорининг 2021 йилдаги фаолияти қониқарли деб топиш.
2. «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Бош директорининг 2021 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

2. «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзоси А.Р.Эргашев Жамият Кузатув кенгаши томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлари ва қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги хисоботи билан акциядорларни таништирди.

2021 йилда Жамият Кузатув кенгашининг 7 та мажлиси ўтказилиб, уларда 33 дан ортиқ масалалар кўриб чиқилган.

Жумладан, Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига номзодлар бўйича акциядорларнинг таклифларини кўриб чиқиш, умумий йиғилишларни чақириш, соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар тўлаш бўйича умумий йиғилишга тавсиялар бериш, молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича чораклик ҳисоботлар, бизнес-режасининг бажарилиши, Кузатув кенгаши ва ички аудит хизмати иш режалари тасдиқлаш, ички аудит хизмати ходимлари аттестациядан ўтказиш ва шу каби бошқа Жамият фаолиятидаги устувор масалалар кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йилда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи илова қилинади.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масала овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилиш ва Жамияти Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги мажлис (баённомалари) қарорлари тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва Жамияти Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги мажлис (баённомалари) қарорлари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Жамият тафтиш комиссияси аъзоси Ш.С.Уринов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Жамият уставига асосан, Жамият фаолиятининг йил якунлари бўйича Жамият Тафтиш комиссиясининг Жамият томонидан тузилган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузилган битимлар юзасидан хулосаси акциядорлар йиллик умумий йиғилиши томонидан эшитиб борилади ва тасдиқланади.

Жамият 2021 йил фаолияти молиявий ҳисоботи натижалари «FTF-Lea Audit» МЧЖ нинг ижобий аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган. Жамият бизнес-режаси харажатларининг бажарилиши тафтиш комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, комиссия хулосасида тўлиқ аҳборот берилган.

Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинади.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масала овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Жамиятнинг Молия бўйича Бош директор ўринбосари Расулев А.А. сўзга чиқиб, Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизими мустақил баҳоловчи ташкилот «CITY CAPITAL» МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилди.

Мустақил баҳоловчи томонидан Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими қонунчиликда белгиланган тартибда баҳоланиб, тегишли хулоса тақдим қилинди. Хулосага кўра Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими максимал 1200 баллдан **943 баллни** ёки **78,58%** га баҳолангани ва Жамият корпоратив бошқарув тизимига **"юқори"** даража берилгани қайд этилди.

Мустақил баҳоловчи томонидан Жамият корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш учун тавсиялар берилганлиги қайд этилди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилиш ва маъқуллаш.

2. «Boshtransloyiha» АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўриш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.

2. «Boshtransloyiha» АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўрилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Жамият Бош директори Р.В.Рузиев сўзга чиқиб Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олган 2 048 092,0 минг сўм миқдоридаги соф фойдани, дивиденд хисоблаш билан бирга тақсимлаш тавсияси Жамият кузатув кенгаши томонидан берилганлигини маълум қилди.

Жамият устав фондининг 15 фоизи миқдорида захира фондини шакллантириш мақсадида Ўзбектсон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 34-моддаси ҳамда Жамият Уставига мувофиқ соф фойданинг 5 фоизини захира фондига йўналтириш лозимлиги қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамиятнинг 2021 йилдаги соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилишига тавсиялар киритилган:

№	Соф фойдани тақсимлаш бўйича чора-тадбир	2021 йил бўйича	
		%	Миқдори
1	Дивиденд хисоблаш	*94,58%*	1 937 058 480,0 сўм
	акциялар сони		(4 453 008 дона)
	Бир дона акцияга хисобланган дивиденд		(435 сўм/акция)
2	Резерв фондни шакиллантриш	*5,42%*	111 033 135,50 сўм
	Итого	***100,0%***	**2 048 091 615,5 сўм**

Шунингдек, молиявий натижаларни шакллантиришда иштирок этган бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 6,87 фоизи, 140 700 000,0 сўм миқдорида йиллик ҳақ тўлаш таклиф этилди (илгари тўланган чораклик мукофотлари бундан мустасно). Шундан сўнг, Израильбекова И.И. тўланадиган мукофот Жамиятнинг давр харажатлари ҳисобга олинишини тушунтирди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2021 йил якуни бўйича олган 2 048 091 615,5 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлаш:

• дивиденд тўлови учун – 1 937 058 480,0 сўм ёки соф фойданинг 94,58% қисми;

• Жамият захира фондини шакллантириш учун – 111 033 135,50 сўм ёки соф фойданинг 5,42% қисми;

2. Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдори 435,00 сўм миқдорида белгилаш.

3. Ҳисобланган дивидендлар 2022 йил 20 июлдан 2022 йил 27 августга қадар пул кўринишида тўлаш.

4. Жамият бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 6,87%, 140 700 000,0 сўм миқдорида йиллик мукофот тўлаш (илгари тўланган чораклик мукофотлар бундан мустасно). Мукофот тўловлар жорий давр харажатларига киритиш.

5. Бошқарув орган мукофот тўловлари иловага мувофиқ тақсимлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2021 йил якуни бўйича олган 2 048 091 615,5 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:

• дивиденд тўлови учун – 1 937 058 480,0 сўм ёки соф фойданинг 94,58% қисми;

• Жамият захира фондини шакллантириш учун – 111 033 135,50 сўм ёки соф фойданинг 5,42% қисми;

2. Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдори 435,00 сўм миқдорида белгилансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар 2022 йил 20 июлдан 2022 йил 27 августга қадар пул кўринишида тўлансин.

4. Жамият бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 6,87%, 140 700 000,0 сўм миқдорида йиллик мукофот тўлансин (илгари тўланган чораклик мукофотлар бундан мустасно). Мукофот тўловлар жорий давр харажатларига киритилсин.

5. Бошқарув орган мукофот тўловлари иловага мувофиқ тақсимлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан Жамият Корпоратив маслаҳатчиси Юлдашев У.М. сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-683-сонли Қонунига;

- Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-726-сонли Қонунига;

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги «Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-760-сонли Қонунига асосан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга бир қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу ўзгартиришлардан келиб чиқиб, Жамиятнинг Устави, «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги, «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги, «Ижроия органи тўғрисида»ги Низомларга тегишли ўзгартиришлар киритиб, қайта тасдиқлаш зарурлиги маълум қилинди.

Жамият ижроия органи ва маъсул шахслари Жамият Устави ҳамда ички низомларнинг ўзгартириш киритилган янги таҳрирдаги лойиҳалари тайёрланган бўлиб, ушбу ҳужжатлар даставвал Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 01 июндаги мажлисида кўриб чиқилиб тасдиқлаш учун акциядорлар умумий йиғилишига тавсия этилган.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва Жамият устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

2. «Boshtransloyiha» АЖ «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги», «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» ва «Ижроия органи тўғрисидаги» ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва ушбу низомлар янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1. «Boshtransloyiha» АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва Жамият устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Boshtransloyiha» АЖ «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги», «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» ва «Ижроия органи тўғрисидаги» ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва ушбу низомлар янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Жамият Корпоратив маслаҳатчиси Юлдашев У.М. сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 63-моддаси ва Жамият уставига асосан, Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **90 (тўқсон) кундан** кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли эканлигини маълум қилди.

Шунга кўра, 2022 йил давомида Жамият акциядорлари томонидан киритилган номзодлар Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, акциядорлар умумий йиғилишига таклифлар берилганлигини маълум қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

1)	Раджапов Мансур Кучкарович - “O`zbekiston temir yo`llari” АЖ бошқарув раисининг ўринбосари в.б.
2)	Аскаров Музаффар Турсунбоевич - “O`zbekiston temir yollari” АЖ акциядорлар билан корпоратив мунособатлар бошқармаси бўлим бошлиғи
3)	Атажанов Камал Атаваевич - “O`zbekiston temir yollari” АЖ акциядорлар билан корпоратив мунособатлар бошқармаси бошлиғи
4)	Назарова Дилдор Тимуровна - “O`zbekiston temir yollari” АЖ инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойихаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
5)	Аълаев Акрам Турсунович - «Hamroh Invest» АЖ директори
6)	Эргашев Алишер Рахматиллаевич - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси
7)	Қараев Феруз Фахриддинович - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 76 – моддасига ва кун тартибининг 7 – масаласида тасдиқланган Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставига мувофиқ, *жамият кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан* ***уч йил*** *муддатга сайланади.*

Жамият акциядорларига кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги масала бўйича кумулятив овоз бериш тартиби тушунтирилди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

«рози»	Раджапов Мансур Кучкарович - "O`zbekiston temir yo`llari" АЖ бошқарув раисининг ўринбосари в.б.	4 445 271
«рози»	Аскаров Музаффар Турсунбоевич - "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив мунособатлар бошқармаси бўлим бошлиғи	4 445 271
«рози»	Атажанов Камал Атаваевич - "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив мунособатлар бошқармаси бошлиғи	4 445 271
«рози»	Назарова Дилдор Тимуровна - "O`zbekiston temir yollari" АЖ инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойихаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари	4 445 271
«рози»	Аълаев Акрам Турсунович - «Hamroh Invest» АЖ директори	691 479
«рози»	Эргашев Алишер Рахматиллаевич - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси	5 693 007
«рози»	Қараев Феруз Фахриддинович - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси	5 693 007

Қабул қилинган қарор:

«Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда уч йил муддатга сайлансин:

1.Раджапов Мансур Кучкарович - "O`zbekiston temir yo`llari" АЖ бошқарув раисининг ўринбосари в.б.;

2.Аскаров Музаффар Турсунбоевич - "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив мунособатлар бошқармаси бўлим бошлиғи;

3.Атажанов Камал Атаваевич - "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив мунособатлар бошқармаси бошлиғи;

4. Назарова Дилдор Тимуровна - "O`zbekiston temir yollari" АЖ инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойихаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

5. Аълаев Акрам Турсунович - «Hamroh Invest» АЖ директори;

6. Эргашев Алишер Рахматиллаевич - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси;

7. Қараев Феруз Фахриддинович - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан Жамият Корпоратив маслаҳатчиси У.М.Юлдашев сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 63-моддаси ва Жамият уставига асосан, Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **90 (тўқсон) кундан** кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли эканлигини маълум қилди.

Шунга кўра, 2022 йил давомида Жамият акциядорлари томонидан киритилган номзодлар Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, акциядорлар умумий йиғилишига таклифлар берилганлигини маълум қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Жамият тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

1)	Шакиров Азамат Аскаралиевич - "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи
2)	Дўсматов Хожиакбар Фарход ўғли - "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим мутахассиси
3)	Уринов Шерзод Сидикжонович - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси

Ушбу масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

«Boshtransloyiha» АЖ тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда жамият акциядорларининг келгусидаги йиллик умумий йиғилишигача сайлансин:

1. Шакиров Азамат Аскаралиевич – "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи;

2. Дўсматов Хожиакбар Фарход ўғли – “O`zbekiston temir yollari” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим мутахассиси;

3. Уринов Шерзод Сидикжонович – Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

«Boshtransloyiha» АЖ тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда жамият акциядорларининг келгусидаги йиллик умумий йиғилишигача сайлансин:

1. Шакиров Азамат Аскаралиевич – “O`zbekiston temir yollari” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи;

2. Дўсматов Хожиакбар Фарход ўғли – “O`zbekiston temir yollari” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим мутахассиси;

3. Уринов Шерзод Сидикжонович – Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан раислик қилувчи М.К. Раджапов сўзга чиқиб Кузатув кенгашининг 2022 йил 01 июндаги мажлисида Жамиятнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботи дастлабки тарзда маъқулланган ва Жамият Бош директори Р.В.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш ва ваколатини 3 йиллик муддат қилиб белгилаш тўғрисида ушбу акциядорлар умумий йиғилшига тавсия киритилганлигини маълум қилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 79- моддаси саккизинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонуни таҳририда қуйидагича белгиланган — Жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши белгиланганлиги маълум қилинди.

Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланиши қайд этилди.

Ушбу масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

1.«Boshtransloyiha» АЖ Бош директори Рузиев Рустам Васикович билан тузилган меҳнат шартномаси муддати 3 йилга узайтириш.

2.Жамият Бош директори билан «Boshtransloyiha» АЖ номидан меҳнат шартномасини имзолаш Жамият Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатиш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1.«Boshtransloyiha» АЖ Бош директори Рузиев Рустам Васикович билан тузилган меҳнат шартномаси муддати 3 йилга узайтирилсин.

2.Жамият Бош директори билан «Boshtransloyiha» АЖ номидан меҳнат шартномасини имзолаш Жамият Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан Жамиятнинг Молия бўйича Бош директор ўринбосари А.А.Расулев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга ва Жамият уставига мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига киритилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, аудиторлик ташкилоти танлов ўтказиш орқали танлаб олиниши мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил 01 июндаги мажлисида 2022 йилда аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари ўртасида қонунчиликда белгаланган тартибда танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Натижада, Жамият ижроия органи томонидан эълон қилинган танлов бўйича www.xarid.uz порталидан бир қатор таклифлар келиб тушган.

Келиб тушган таклифларда Жамиятнинг 2022 йилдаги молиявий – хўжалик фаолияти якунлари бўйича молиявий хисоботнинг миллий ва халқаро стандартларига мувофиқ аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини (СМК, СЙК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажариш ҳисоби) текшириш таклифлари мавжуд.

Йиғилишда раислик қилувчи ушбу таклифларни Жамият ижроия органи томонидан қўшимча ўрганиш ўтказиши ва «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилган танловда ғолиб деб топилган аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилишини ва икки стандарт талаблари буйича текширишларнинг амалга оширадиган аудит ташкилотларининг хар бирининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 29 000 000 сўм миқдорида белгилашни таклиф этди.

Ушбу масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилган танловда ғолиб деб топилган аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш.

2. Миллий стандартлар талабларига мувофиқ, ҳамда 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 29 000 000 сўм миқдорида ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, ҳамда 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 29 000 000 сўм миқдорида белгилаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилган танловда ғолиб деб топилган аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин.

2. Миллий стандартлар талабларига мувофиқ, ҳамда 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 29 000 000 сўм миқдорида ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, ҳамда 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 29 000 000 сўм миқдорида белгилансин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан Жамиятнинг Молия бўйича Бош директор ўринбосари А.А. Расулев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини маълум қилди.

Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаши ва белгилаши мумкинлиги билдирилди.

Жамиятнинг ҳозирги кунда 400 дан ошиқ аффилланган шахси мавжуд бўлиб, бир қисми Жамиятнинг йирик акциядори “Ўзбекисто темир йўллари” АЖ тизимдаги корхоналар ҳисобланади. Улар билан Жамият кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда битимни (битимларни) тузилиши акциядорлар умумий йиғилишида маъқулланиши лозим.

Ижро органи томонидан акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда аффилланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар иловага асосан киритилмоқда.

Масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

“Boshtransloyiha” АЖнинг аффилланган шахслари билан 2022-2023 йиллар давомида тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни иловага мувофиқ тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

“Boshtransloyiha” АЖнинг аффилланган шахслари билан 2022-2023 йиллар давомида тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан Жамиятнинг Бош директори Р.В.Рузиев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси билан таништирди.

Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси 2021 йил 25 ноябрдаги кузатув кенгаши мажлисида маъқулланганини маълум қилди.

Шу билан бирга, акциядорларнинг 2015 йил якунлари бўйича ўтказилган йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегияси 5 йил муддатга тасдиқланганлигини маълум қилиб, белгиланган муддат тугаганлиги муносабати билан Жамият янги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқганлигини ва ушбу хужжат кузатув кенгашининг 2022 йило 01 июндаги мажлисида кўриб чиқилиб акциядорла умумий йиғилишига тавсия этилганини маълум қилди.

Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегияси лойиҳаси йиғилиш иштирокчилари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига асосан жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши қайд этилди.

Муҳокама бўлиб ўтди, унинг давомида Р.В.Рузиев 2022 йил учун тақдим этилган Бизнес-режа ва ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегияси юзасидан акциядорларнинг барча саволларига жавоб берди.

Масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлаш.

2. «Boshtransloyiha» АЖнинг ўрта ва узоқ муддатга (5 йиллик) ривожлантириш стратегияси иловага мувофиқ тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Boshtransloyiha» АЖнинг ўрта ва узоқ муддатга (5 йиллик) ривожлантириш стратегияси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан Жамият корпоратив маслахатчиси У.М.Юлдашев сўзга чиқиб, Жамият хисобида уч йил давомида талаб қилиб олинмаган дивидендлар мавжудлиги тўғрисда маълумот берди.

Жамиятнинг 2022 йил 01 январ холатига бухгалтерия хисобида юритиладиган, талаб қилиб олинмаган дивидендлар миқдори:

№	Акциядор Ф.И.О	Миқдори, сўм
1	Халилов Р.А.	1 533 728 сўм
2	Муртазин Ж.Ш.	785 568 сўм
	Жами	2 319 296 сўм

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 51-моддасига мувофиқ эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолиши белгиланган.

Мухокома давомида раислик қилувчи ўз дивидендларини талаб қилиб олмаётган, алоқаси йўқолган акциядорларни топиш ва уларга дивиденд тўловларини таъминлаш бўйича ўз кўрсатмаларини бериб ўтди.

Масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

Муддати уч йилдан ўтган «Boshtransloyiha» АЖ акциядорлари ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган 2 319 296 сўм миқдоридаги дивиденд жамият ихтиёрида қолдириш ва жамият фойдаси сифатида тан олиш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 265 511 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

Муддати уч йилдан ўтган «Boshtransloyiha» АЖ акциядорлари ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган 2 319 296 сўм миқдоридаги дивиденд жамият ихтиёрида қолдирилсин ва жамият фойдаси сифатида тан олинсин.

Ушбу билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади, Йиғилиш раиси М.К.Раджапов Акциядорлар умумий йиғилиши иштирокчиларига йиғилишда қатнашганлиги учун миннатдорчилик билдирди ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома икки нусхада тузилди ва 2022 йил 07 июль имзоланди.

Йиғилиш раиси **М.К.Раджапов**

Йиғилиш котиби **У.М. Юлдашев**